ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00991

ЮРИДИК ШАХСЛАР ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Дилшод Мусурмонкулович Кушбаков
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси «Маъмурий ҳуқуқ» кафедраси катта ўқитувчиси, мустақил изланувчи

АННОТАЦИЯ

Мақолада юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш масалалари таҳлил қилинган. «Юридик шахс» тушунчаси ва ушбу норма мазмуни билан боғлиқ бошқа ҳолатларни аниқлаштиришга доир изланувчиларнинг фикр-мулоҳазалари. Натижада, юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини белгилашда, уларни жиноят субъекти сифатида эмас, балки жиноят қонунида уларга нисбатан қўлланиладиган жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини қўлланилиши ҳамда қўлланиладиган жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларининг турларига оид масалалари таклиф этилган.

Калит сўзлар: юридик шахс, жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари, огоҳлантириш; жарима; лицензия, квота, преференция ёки имтиёзлардан маҳрум қилиш; юридик шахсни мажбурий тугатиш.

ABSTRACT

The article discusses the features of bringing a legal entity to criminal liability. The analysis of doctrinal sources, which made it possible to establish the definition of the concept of "legal entity", as well as the opinions of researchers on the identification of other circumstances related to the content of this norm, is carried out. As a result, a definition of criminal liability in relation to legal entities has been developed, it is proposed to consider the application of criminal liability not as a subject of a crime, but as a subject of criminal liability.

Keywords: legal entity, criminal law measures, warning, fine, revocation of license, quotas, preferences or benefits, compulsory liquidation.

КИРИШ

Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналиши сифатида жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00991

Мажлисга Мурожаатномасида: «Биз айрим қилмишларни жиноятлар тоифасидан чиқариш ва либераллаштириш, жиноий жазоларни инсонпарварлик нуқтаи назаридан ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Шу мақсадда 2018–2021 йилларда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни ривожлантириш концепциясини қабул қилишимиз ва амалга оширишимиз зарур»[1], – деб таъкидлаган эди. Шунга мувофиқ, 2018 йил 14 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3723-сон «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорда халқаро амалиётда эътироф этилган жиноят-ҳуқуқий институтларнинг етарли даражада имплементация қилинмаганлиги, жумладан жиноят қонунчилигида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги белгиланмаганлиги ушбу соҳадаги камчиликлардан бири сифатида кўрсатилди. Шундан келиб чиққан ҳолда жиноят қонунида юридик шахслар жиноий жавобгарлигини белгилаш масаласи, аввалambор, хорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилишни, юридик шахснинг жиноят-ҳуқуқий тушунчаси ва унинг асосий белгиларини аниқлашни ҳамда уларга нисбатан қўлланиладиган жазо тизими ва ушбу институтни миллий ҳуқуқ тизимига жорий қилиш механизмларини ишлаб чиқишни талаб этади.

Айни пайтда, юридик адабиётларда юридик шахсларга нисбатан жиноий жавобгарлик ўрнатиш масаласи юзасидан икки хил ёндошув мавжуд. Хусусан, бир гуруҳ олимлар, жумладан, Б.Ахраров, М.Баратов ва бошқалар[2] юридик шахсларда ҳис қилиш ва фикрлаш хусусияти йўқлиги, шунингдек уларни қонун ҳужжатларига риоя қилиш руҳида тарбиялашнинг имкони бўлмаганлиги, жамоани субъект сифатида жавобгар қилиб бўлмаслиги, корпорацияда жазони ҳис этадиган виждон, қалб ва вужуд йўқлиги, бундан ташқари, корпорация юридик фикция (ҳақиқатга тўғри келмайдиган бирор мақсад йўлида атайин ўйлаб топилган юридик ҳолат) ҳисобланиб, уларни жиноий жавобгарликка тортиб бўлмаслигини таъкидлайдилар. Хусусан, бу борада Б.Ахраров ва М.Баратовларнинг ёзишича, «Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги белгиланиши натижасида қуйидаги ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий салбий оқибатларнинг келиб чиқиш эҳтимоли жуда юқори:

юридик шахс мақомига эга бўлиб тадбиркорлик фаолияти юритаётган минглаб субъектларнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши салмоқли бўлиб, улар меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисмини қамраб олган – ижтимоий портлаш юз бериши эҳтимоли мавжуд;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00991

ҳолат судларнинг ихтисослашувида номутаносибликларга ва ишларнинг кўрилишида сифат кўрсаткичларининг салбий томонга ўзгаришига олиб келиши мумкин. Юридик шахсларнинг жавобгарлиги кўрилишида судловга тааллуқлилик масалаларида ҳам муаммолар туғилади, иқтисодий судларга нисбатан жиноят ишлари бўйича судлар томонидан жавобгарлик масалаларига доир ишлар сифатли кўрилишига путур етиши мумкин. Амалда иқтисодий судлар айнан юридик шахсларнинг жавобгарлигини кўрадилар, жиноят ишлари бўйича судлар ушбу ишлардан ташқари бошқа жиноят ишларини ҳам кўришлари керак;

бу ҳол олиб борилаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг эркинлиги сиёсатига ҳам зид бўлиб, тадбиркорлик субъектларининг репрессив жавобгарлиги оқибатларига ҳам олиб келади. Шунингдек, юридик шахсларнинг жавобгарлиги жиноий-ҳуқуқий тарзда белгиланиши юридик шахсга нисбатан бизнес-ҳамкорлараро ишончсизлик келиб чиқишига, ҳамкорлар камайишига, охир-оқибатда банкротликка ҳам олиб келиши мумкин. Бу юридик шахсда ишлаётган ходимларнинг иш ўринлари йўқолишига, ишсизликка сабаб бўлиши мумкин»[3, Б. 40-41]. Аммо биз ушбу фикрга қўшила олмаймиз. Чунки, юридик шахслар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни тадқиқ этиш ва умумлаштириш натижалари айни дамда ушбу субектларга нисбатан фуқаролик қонунчилиги доирасида ҳуқуқни қўллаш амалиётининг паст даражада самарадорлигини кўрсатмоқда. Бу эса, бизнингча жиноят қонунчилиги доирасида юридик шахслар учун жиноий жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқаради.

АДАБИЁЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мадомики, жисмоний шахсларнинг айбли қилмиши учун юридик шахсни жиноий жавобгарликка тортиш масаласи ижтимоий хавфли қилмиш юридик шахс манфаатлари учун ёки унинг функцияларини бажариш билан боғлиқ ҳолда содир этилганида келиб чиқади. Шу боис юридик шахснинг жавобгарлиги жиноий қилмишнинг юридик шахс фойдасини кўзлаб ҳамда унинг раҳбари ёки вакили томонидан содир этилганлиги билан боғлиқ.

Юридик шахснинг жавобгарликка тортилиши йўл қўйилган қоидабузарликларни бартараф этиш ва зарарнинг ўрнини тўлдириш мажбуриятидан, шунингдек айбдор шахсларни интизомий, маъмурий, фуқаровий-ҳуқуқий ва жиноий жавобгарликка тортишдан озод этмайди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00991

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистоннинг амалдаги жиноят қонунида юридик шахслар жиноий жавобгарлиги тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлса-да, миллий қонунчилигимизда унинг квазижиноий хусусиятлари ўз ифодасини топган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги 2017 йил 3 январь Қонуни[11]нинг 27-моддаси учинчи қисмида «Юридик шахслар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади» деб белгиланган; «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги 2008 йил 17 апрель Қонуни[12]нинг 3-моддасида одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар қаторига юридик шахслар ҳам киритилган; «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги 2004 йил 26 август Қонуни[13]нинг 14-моддасида «террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик шахс ҳақидаги ахборот махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши ва улар билан боғлиқ пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўхтатиб турилиши керак»лиги қайд қилинган; «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги 1999 йил 19 август Қонуни[14]нинг 40 ва 41-моддаларида «гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига йўл қўйган ҳамда уларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишидан келган даромадларни легаллаштиришда иштирок этаётган юридик шахс суднинг қарорига биноан тугатилиши мумкин»лиги назарда тутилган.

Айтилганлар асосида айтиш мумкинки, миллий жиноят қонунчилигида қилмиш учун юридик шахслар жавобгарлигини белгилашга оид нормаларини такомиллаштиришда унинг тайёргарлик кўрилаётган, содир этилаётган ёки содир этилган жиноятга алоқадорлик ҳолатлари юридик шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик чораларини қўллаш учун асос сифатида инобатга олиниши лозим. Жумладан, бошқарув функцияларини бажараётган ёки унга раҳбарлик қилаётган ёхуд унда фаолият юритаётган шахснинг жиноий қилмиши юридик шахс манфаатларини кўзлаб содир этилганида, шунингдек юридик шахс имкониятларидан жиноят содир этиш ва уни яшириш мақсадида фойдаланганида, юридик шахс ҳисобварақларидаги маблағ жиноятни молиялаштириш мақсадида ишлатилганида, жиноят натижасида топилган мол-мулк ва маблағ юридик шахс эҳтиёжлари учун ишлатилганида, юридик шахс

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00991

номидан жиноят содир этиш ёки яшириш учун фойдаланилганида юридик шахс жиноятга алоқадор деб топилади.

Жиноятга алоқадор ва белгиланган тартибда юридик шахс мақомига эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ халқаро ташкилот деб топилган юридик шахсларга нисбатан жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилади. Бунда давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини истисно этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Наинки, бизнингча, *Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ мамлакат ҳудудида ташкил этилган юридик шахслар* ***(давлат органлари, давлат муассасалари ва давлат иштирокидаги ташкилотлар ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари бундан мустасно),*** *хорижий юридик шахслар, халқаро ташкилотлар, шунингдек хорижий юридик шахс ва халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистон ҳудудида фаолият юритадиган алоҳида бўлинмаларига нисбатан белгиланган тартибда жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилиши мумкин.*

МУҲОКАМА

Бинобарин, юридик шахсга нисбатан жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш асосларини шакллантиришда жиноятнинг юридик шахс манфаатлари йўлида содир этилганлигини акс эттириши лозим. Шу нуқтаи назардан, юридик шахс жиноят қонунида улар учун жавобгарликни назарда тутган қилмишни қуйидаги ҳолатларда содир этганда жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилиши мумкин:

а) юридик шахс номидан қонун ҳужжатлари, шартнома ёки ишончнома асосида бундай ҳаракатларни (ҳаракатсизлик) амалга оширишга ваколатли шахс томонидан содир этилса;

б) юридик шахс манфаатларини кўзлаб, унинг бошқарув ва назорат органларида тегишли лавозимни эгаллаган шахс томонидан содир этилса;

в) юридик шахс манфаатларини кўзлаб, юридик шахсга ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ёхуд бошқа ҳолатларга кўра қонун ҳужжатлари, шартнома ёки юридик шахс уставига асосан юридик шахс ҳаракатларини (ҳаракатсизлик) белгилаш, шунингдек бевосита ёки билвосита қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан содир этилса;

г) юридик шахс манфаатларини кўзлаб, ушбу модда иккинчи қисми "а", "б" ва "в" бандларида кўрсатилган шахсларнинг кўрсатмаси, хабардорлиги ёки розилиги билан бошқа шахслар томонидан томонидан содир этилса.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00991

Шунингдек, агарда содир этилган жиноий қилмиш юридик шахснинг бошқарув органи қарорига биноан эмас, балки унинг мансабдор шахси ёки ходимининг жиноий нияти билан қамраб олинган бўлса, башарти у ташкилот учун бирон-бир имтиёз ёки афзалликларни олиб келмаса, бундай қилмиш учун юридик шахс эмас, балки уни содир этган шахслар жавобгар бўлиши лозим.

Шу нуқтаи назардан амалдаги Жиноят кодексини *«Юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари»* деб номланган қуйидаги тартибда баён қилинган Еттинчи бўлим[1] билан тўлдириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

XVII[1] боб. Юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган қўлланиладиган жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш асослари ва уларни тайинлаш

96[1]-модда. Юридик шахсларга нисбатан жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш асослари

Жисмоний шахслар учун жиноят содир этишнинг жиноят-ҳуқуқий оқибатларини белгиловчи ушбу Кодекснинг Умумий қисми қоидалари, агар ушбу бобда бошқача тартиб назарда тутилмаган ёки юридик шахс иштирокида ҳуқуқий муносабатлар мавжудлигидан келиб чиқмаса, юридик шахсга нисбатан қўлланилади.

Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ мамлакат ҳудудида ташкил этилган юридик шахслар (давлат органлари, давлат муассасалари ва давлат иштирокидаги ташкилотлар ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари бундан мустасно), хорижий юридик шахслар, халқаро ташкилотлар, шунингдек хорижий юридик шахс ва халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистон ҳудудида фаолият юритадиган алоҳида бўлинмалари ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда жавобгарликка тортилади.

Юридик шахслар қайта ташкил этилганда қонунда белгиланган тартибда унинг ҳуқуқий вориси жавобгарликка тортиладилар.

НАТИЖАЛАР

Юридик шахсга нисбатан қуйидаги ҳолатларда жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилади, башарти ушбу кодекс Махсус қисмида юридик шахс жавобгарлиги назарда тутилган қилмишни:

а) юридик шахс номидан қонун ҳужжатлари, шартнома ёки ишончнома асосида бундай ҳаракатларни (ҳаракатсизлик) амалга оширишга ваколатли шахс томонидан содир этилса;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00991

б) юридик шахс манфаатларини кўзлаб, унинг бошқарув ва назорат органларида тегишли лавозимни эгаллаган шахс томонидан содир этилса;

в) юридик шахс манфаатларини кўзлаб, юридик шахсга ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ёхуд бошқа ҳолатларга кўра қонун ҳужжатлари, шартнома ёки юридик шахс уставига асосан юридик шахс ҳаракатларини (ҳаракатсизлик) белгилаш, шунингдек бевосита ёки билвосита қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан содир этилса;

г) юридик шахс манфаатларини кўзлаб, ушбу модда иккинчи қисми “а”, “б” ва “в” бандларида кўрсатилган шахсларнинг кўрсатмаси, хабардорлиги ёки розилиги билан бошқа шахслар томонидан томонидан содир этилса.

96[2]-модда. Юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари

Жиноят содир этишда айбли деб топилган юридик шахсларга нисбатан қуйидаги жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилиши мумкин:

а) огоҳлантириш;

б) жарима;

в) лицензия, квота, преференция ёки имтиёзлардан маҳрум қилиш;

г) юридик шахсни мажбурий тугатиш.

Огоҳлантириш, жарима, юридик шахсни мажбурий тугатиш асосий жазо сифатида, лицензия, квота, преференция ёки имтиёзлардан маҳрум қилиш ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо сифатида қўлланилиши мумкин.

96[3]-модда. Огоҳлантириш

Огоҳлантириш оммавий айблов ҳисобланиб, юридик шахснинг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда у томондан бошқа жиноий қилмиш содир этилишининг олдини олиш ҳақида расмий равишда огоҳлантиришдан иборатдир. Огоҳлантиришни назарда тутувчи ҳукм расмий босма нашрларда эълон қилинади.

96[4]-модда. Жарима

Жарима базавий ҳисоблаш миқдорининг олти юз бараваридан бир юз йигарма бараваригача миқдорда ёки юридик шахс томонидан олинган жиноий даромаднинг мулкий зарарга ёки жиноий йўл билан топилган мулкнинг қийматига ббоғлиқ бўлган миқдорпда бир марталик тўлов сифатида белгиланиши мумкин.

Жарима тури ва миқдорини аниқлашда ташкилотнинг мулкий ҳолати инобатга олинади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00991

96^5-модда. Лицензия, квота, преференция ёки имтиёзлардан маҳрум қилиш

Лицензия, квота, преференция ёки имтиёзлардан маҳрум қилиш юридик шахсга илгари расмийлаштирилган лицензия, квота, преференция ёки имтиёзларни бекор қилишдан иборат бўлиб, уларда фойдаланиш натижасида жиноят содир этилган лицензия, квота, преференция ёки имтиёзларга нисабатан белгиланиши мумкин.

96^6-модда. Мажбурий тугатиш

Мажбурий тугатиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, юридик шахс томонидан содир этилган қилмишнинг аниқ ҳолатлари ҳамда келиб чиққан жиноий оқибатларни ҳисобга олган ҳолда енгилроқ жазо чорасини қўллаш мумкин бўлмаган тақдирда тайинланиши мумкин.

Мажбурий тугатиш шаклида жазоланадиган юридик шахснинг барча мол-мулки кредиторлар талаблари қондирилганидан сўнг давлат даромадига ўтказилади.

Юридик шахслар нисбатан Жиноят кодексининг 130–130^1, 133, 135, 155–155^3, 194–196, 201–202, 210–212, 242–243, 270, 273, 278^3–278^4 ва 278^6-моддаларида назарда тутилган жиноий қилмишлар содир этилган ҳоллардагина жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилиши мумкин.

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган хулосалар, таклиф ва тавсияларни амалдаги қонунчиликда тартибга солиниши, шунингдек жиноятчиликка қарши кураш амалиётида қўлланилиши бизнингча, юридик шахслар жавобгарлиги институтининг ҳуқуқий механизмини тартибга солиш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // https://president.uz/uz/lists/view/1371
2. Ахраров Б., Баратов М. Ўзбекистон Республикасида юридик шахслар жавобгарлигининг айрим жиҳатлари // Одил судлов. – 2020. – № 5. – Б. 35–41. Уголовное право. Общая часть: учебник / отв. ред. А.Н. Тарбагаев. — М., 2016. – С. 140.
3. Ахраров Б., Баратов М. Ўзбекистон Республикасида юридик шахслар жавобгарлигининг айрим жиҳатлари // Одил судлов. – 2020. – № 5. – Б. 40–41.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00991

4. Ситковский И.В. Уголовная ответственность юридических лиц. Автореф. дис. … канд. юрид. наук. – М., 2003. – С. 18.
5. Михеев Р.И., Корчагин А.Г., Шевченко А.С., Михеев И.Р. Проблема уголовной ответственности юридических лиц и пути ее возможного решения: pro и contra (компаративный анализ уголовного права России и зарубежных стран). Известия Дальневосточного федерального университета. Экономика и управление. 2001. – С. 3-10.